

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРДА ТЕХНОЛОГИК ЖАРЁНЛАР
ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР ЯРАТИШ****Кобулова Нилуфар Жалиловна, Хокимятов Азизбек***Андижан машинасозлик институти Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси
мудири*

Аннотация: Ушбу Услубий кўрсатмалар хавфли ишлаб чиқариши обьектларида хавф таҳлигининг услубий тамойиллари, атамалар ва тушунчалар, таҳлил тартиби ва натижаларни расмийлаштиришга қўйиладиган умумий талаблар, шунингдек хавф-хатар ва авариялар хавфини таҳлил қилишининг асосий усулларини кўрсатиб беради.

Калим сўз: Авария, авария хавфи, техник хавф, , хавфли моддалар.

«Хавфли ишлаб чиқариш обьектларида хавфлилек даражасини таҳлил қилиш бўйича услубий кўрсатмалар» (кейинги ўринларда — Услубий кўрсатмалар) хавфли ишлаб чиқариш обьектларини лойиҳалаш ва улардан фойдаланиш фаолиятини амалга оширадиган ташкилотлар, экспертиза ва сугурта ташкилотлари мутахассисларига, саноат хавфсизлиги декларацияларини ишлаб чиқувчилар ва хавф таҳлили соҳасидаги мутахассисларга жорий этилади.

Авария — бу иншоотлар ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш обьектларида қўлланиладиган техника қурилмаларининг бузилиши, назорат қилиб бўлмайдиган портлаш ва (ёки) хавфли моддалар ажralиб чиқишидир (Ўзбекистон Республикаси «Хавфли ишлаб чиқариш обьектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Конунийнинг З-моддаси (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2008 й., 50-сон, 496-модда)).

Авария хавфи таҳлили — алоҳида шахслар ёки кишилар гурӯҳи, мулк ёки атроф-муҳит учун хавфли ишлаб чиқариш обьектида хавф-хатарларни идентификациялаш ва авария хавфини баҳолаш жараёни.

Авария хавфларини идентификациялаш — хавфли ишлаб чиқариш обьектида хавф-хатар мавжудлигини аниқлаш ва тан олиш ҳамда уларнинг хусусиятларини аниқлаш жараёни.

Ноҳуш ҳодисалар — хавфли ишлаб чиқариш обьектларда ишлатилаётган техник қурилмаларнинг тўхташи ёки бузилиши (шикастланиши), технологик жараён (режими) тартибидан оғиши, қонунчилик хужжатларида, шунингдек саноат хавфсизлиги соҳасидаги меъёрий-техник хужжатлардаги талабларнинг бузилиши (Ўзбекистон Республикаси «Хавфли ишлаб чиқариш обьектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Конунийнинг З-моддаси).

Авария хавфи — хавфли ишлаб чиқариш обьектларидағи авария туфайли инсонларга, мулкка ва (ёки) атроф-муҳитга зарар етиши эҳтимоли, хавфи. Хавфли ишлаб чиқариш обьектларидаги авария хавфлари иншоотлар ва (ёки) техника қурилмаларининг бузилиши, портлаш ва (ёки) хавфли моддалар ажralиб чиқиши ва оқибатда инсонга, мулкка ва (ёки) атроф-муҳитга зарар етиши билан боғлиқдир. Ушбу Услубий кўрсатмалар хавфли ишлаб чиқариш обьектларида хавф таҳлигининг услубий тамойиллари, атамалар ва тушунчалар, таҳлил тартиби ва натижаларни расмийлаштиришга қўйиладиган умумий талаблар, шунингдек хавф-хатар ва авариялар хавфини таҳлил қилишининг асосий усулларини кўрсатиб беради.



Хавфли моддалар — алангаланувчи, оксидланувчи, ёнувчи, портловчи, заҳарли, ўта заҳарли моддалар ва табиат атроф-муҳит учун хавфни белгиловчи моддалар (Ўзбекистон Республикаси «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддаси).

Авария хавфини баҳолаш — авария хавфларининг содир бўлиш эҳтимоли (ёки содир бўлиш частотаси)ни ва уларнинг оқибатларининг инсон соғлиги, мулк ва/ёки атроф-муҳит учун оғирлик даражасини аниқлашда бажариладиган жараён. Баҳолаш авария хавфларининг содир бўлиш эҳтимоли (ёки содир бўлиш частотаси)ни, оқибатларини ва уларнинг бирикувларини таҳлил қилишни ўз ичига олади.

Қабул қиласа бўладиган авария хавфи — ижтимоий-иқтисодий нуктаи-назардан асосланган ва йўл қўйилиши мумкин бўлган даражадаги хавф. Объектдан фойдаланиш хавфи, агар обьектдан фойдаланиш натижасида олинадиган фойда учун жамият бундай таваккалчиликни қабул қилишга тайёр бўлса, мақбул хисобланади.

Саноат хавфсизлиги — шахс ва жамият ҳаётий муҳим манфаатларининг хавфли ишлаб чиқариш обьектларидағи авариялар ва нохуш ҳодисалар ҳамда уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик ҳолати (Ўзбекистон Республикаси «Хавфли ишлаб чиқариш обьектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддаси).

Авария хавфи — хавфли ишлаб чиқариш обьектида авариянинг юзага келиши эҳтимолини ва унинг оқибатларининг оғирлик даражасини ифодаловчи хавф ўлчови. Қўйидагилар авария хавфининг асосий миқдор кўрсаткичлари ҳисобланади:

техник хавф — хавфли ишлаб чиқариш обьекти фаолиятининг муайян даврида техник қурилмаларнинг ишламай қолиши ва бунинг натижасида муайян даража (синф)даги оқибатларнинг юзага келиши эҳтимоли;

индивидуал хавф — ўрганилаётган авария хавфи омилларининг таъсири натижасида алоҳида кишининг шикастланиш частотаси.

Хавфни камайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши

Хавфни камайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш хавф таҳлилиниң якунловчи босқичи ҳисобланади. Тавсияларда хавфни баҳолаш натижалари бўйича асосланган хавфни камайтириш чоралари кўрсатилади. Хавфни камайтиришга доир чора-тадбирлар техник ва (ёки) ташкилий хусусиятга эга бўлиши мумкин. Чора-тадбир турини танлашда хавфга таъсир кўрсатиш чораларининг амалийлиги ва ишончлилигига берилган умумий баҳо, шунингдек уларни амалга ошириш учун сарф-харажатлар кўлами ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Ташкилий чоралар хавфли ишлаб чиқариш обьектидан фойдаланиш босқичида хавфни камайтириш бўйича йирик техник чоралар қабул қилишда чеклаган имкониятларнинг ўрнини босиши мумкин.

Хавфни камайтиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқишида, ресурсларнинг чекланиши мумкинлигидан келиб чиқсан ҳолда, биринчи навбатда содда ва энг кам сарф-харажат талаб этиладиган тавсиялар, шунингдек истиқболдаги чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши назарда тутилиши лозим.

Кўп холларда хавфсизликни таъминлашга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар, одатда, аварияларни олдини олиш чора-тадбирлари ҳисобланади. Татбиқ этиш режалаштирилаётган хавфсизлик чора-тадбирларини танлашда қўйидагилар устуворликка эга:



а) авария вазиятларининг юзага келиш эҳтимолини камайтиришга доир чора-тадбирлар. Уларга қуидагилар киради: нохуш ҳодисаларнинг юзага келиш эҳтимолини камайтиришга доир чора-тадбирлар, нохуш ҳодисаларнинг авария вазиятини юзага келтириш эҳтимолини камайтиришга доир чора-тадбирлар;

б) авария оқибатларини юмшатишга доир чора-тадбирлар. Улар, ўз навбатида, қуидаги устувор чора-тадбирларни ўз ичига олади: хавфли обьектни лойиҳалашда кўзда тутиладиган чора-тадбирлар (масалан, тутиб турувчи конструкцияларни, қулф арматурани танлаш); авариядан ҳимоялаш ва назорат тизимларига тааллукли чора-тадбирлар (масалан, газ анализаторларидан фойдаланиш), фойдаланувчи ташкилотнинг авария оқибатларини локаллаштириш ва бартараф этишга тайёрлиги билан боғлик чора-тадбирлар.

Хавфни камайтириш бўйича таклиф этилаётган чора-тадбирларни асослаш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш зарур бўлганда уларни оптималлаштиришнинг иккита муқобил мақсади кўзда тутилиши тавсия этилади:

- 1) берилган воситалар ёрдамида хавфли ишлаб чиқариш обьектидан фойдаланиш хавфини максимал камайишини таъминлаш;
- 2) минимал сарф-харажатлар билан хавфни қабул қиласа бўладиган даражагача камайтиришни таъминлаш. ажратилган воситалар ёки ресурсларнинг чекланганлиги шароитида хавфни камайтириш бўйича чора-тадбирларнинг бажаришдаги устуворлигини аниқлаш учун қуидагилар бажарилиши лозим: белгилangan молиялаштириш ҳажмлари доирасида амалга оширилиши мумкин бўлган чора-тадбирлар мажмуини аниқлаш; бу чора-тадбирларни «самарадорлик-харажатлар» кўрсаткичи бўйича ажратиш; таклиф этилаётган чора-тадбирларни асослаш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. ХАТАМОВ БАХОДИР БАХРАМОВИЧ
2. "КЎП ФУНКЦИОНАЛ МАҲСУС ТЕХНИКА ВА МОСЛАШГАН МЕТОДОЛОГИК БАЗАСИНИ ЯРАТИШ ОРҚАЛИ МУРАККАБ МАЖМУАЛАРНИНГ ЁННИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ОШИРИШ" ТОШКЕНТ – 2020
3. Ziyonet. Uz